

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2019 йил октябрь ойининг 8 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман суди, Яшнобод тумани «VENIZOR» МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида, судья К.Мирсафаевнинг раислигида, Ш.Турғунбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Яшнобод туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Юсупов ва судланувчи М.Мирсултанновнинг иштирокида 1-1009-1903/245-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

_____ йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор, «RISQ-HALOL-SAVDO» МЧЖда сотувчи, мукаддам: 1) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод (Ҳамза) туман судининг 26.01.2012 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонлар ярашганлиги муносабати билан тугатилган, ЖКнинг 77-моддасига кўра судланмаган ҳисобланади; Тошкент шаҳар, _____

_____ рўйхатда туриб яшайди, мазкур иш бўйича шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 20.09.2019 йилда олган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2019 йил 17 август куни соат 17:30 ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ўтказилган «Қора дори 2019» тезкор тадбири давомида, М.Мирсултаннов 2019 йил апрель ойида келгусида ўзининг истеъмол қилиши учун яшаб келаётган Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Маърифат кўчаси, 62-уйнинг ҳовлисида тўрт дона тувак ва ерга уруғларини қонунга хилоф равишда экиб, етиштираётганлиги жами 5 туп «наша» ўсимлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 19.08.2019 йилдаги 2/592-сонли хулосасига кўра, М.Мирсултанновнинг уйдан олинган беш туп ўсимликлар таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидраканнабинол мавжуд бўлиб, бу (объектлар №1-5) ўсимликлар «наша ўсимлиги» деб аталувчи (рус тилида

«конопля»), ўзида наркотик модда сақловчи ўсимликларга кириб, «марихуана» ва «гашиш» наркотик воситалари олишда ҳом-ашё маҳсулоти бўлиши мумкинлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи **М.Мирсултаннов** унга нисбатан эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлигини билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2014 йилдан бери «наша» гиёҳвандлик воситасини чекиш йўли билан баъзи-баъзида истеъмол қилиб келишини, 2019 йил апрель ойида Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Жынсиз маҳалласида оқиб ўтувчи ариқ бўйидан «наша» гиёҳвандлик воситасининг уруғларини олиб, уйига, яъни Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Маърифат кўчаси, 62-уйга олиб бориб, 4 дона тувак ва ерга экиб қўйиб, парваришлаганини, шундан сўнг 2019 йил 17 август куни соат 17:30 ларда уйига Яшнобод тумани ИИО ФМБ ходимлари келишганида, у ҳовлисидаги парваришлаб келаётган наша ўсимлиги ҳақида маълумотлари уларда борлигини сезиб, уйда экилган наша ўсимлиги борлигини айтиб, кўрсатганини, шунда ходимлар холислар иштирокида уй ҳовлисидаги 4 дона тувакга ва 1 дона ерга экилган жами 5 туп наша ўсимлигини ҳамда айвонда турган диван орқасидан у наша ўсимлигини чекиши учун мўлжалланган елим идиш ва унга солинган баклашкани баённома асосида олиб, қора целлофан ва оқ рангли қопага солиб, муҳрлашганини, уйдагилар ҳовлида «наша» ўстираётганлигидан беҳабар бўлишганини ва унинг фарқига боришмаслигини, мазкур ўсимликларни у ўзининг истеъмоли учун экиб, парваришлаганини ва сотиш мақсади бўлмаганини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини ва бошқа такрорламаслигини кўрсатиб, суддан унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ **М.Абидов** қуйидагиларни, яъни 2019 йил 17 август куни соат 18:00 ларда уйига келганида ҳовлисида турган бўлиб, укаси М.Мирсултаннов уйининг ҳовлисида 4 дона тувак ва ерга «наша» ўсимлиги экиб етиштирганлиги маълум бўлиб, ушбу гиёҳвандлик воситалари холислар иштирокида баённомалаштириб олинганини, у уйи ҳовлисидаги экилган ўсимликлари гиёҳвандлик воситалари эканлигидан хабари бўлмаганини айтиб кўрсатув берди.

Томонлар розилиги билан кўрсатмалари ўқиб эшиттирилган гувоҳ **Б.Акбаров** ва **А.Тожибаевлар** дастлабки тергов давомида қуйидагиларни, яъни улар 2019 йил 17 август куни соат 17:30 ларда Яшнобод тумани ИИО ФМБ ходимлари томонидан ўтказилган «Қора дори 2019» тезкор-тадбирига холис сифатида иштирок этишга рози бўлиб, Яшнобод тумани, Маърифат кўчаси, 62-уйга киришганида у ерда истиқомат қилувчи М.Мирсултанновдан ўз ҳовлисидаги 4 дона тувак ва ерга экилган яшил рангли, наша ўсимлигига ўхшаш жами 5 туп ўсимликлар, ҳовлисидаги айвонда турган диван орқасидан елим идиш билан таги кесилган баклашка баённомалаштириб олинганини билдиришди.

Бундан ташқари, судланувчи М.Мирсултанновнинг айби ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув қилиш ва далилий ашёни олиш, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш, нарсани кўздан кечириш баённомалари, фотожадвал, тушунтириш хатлари, суд-кимёвий ва

амбулатор-наркологик экспертизаси хулосалари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топган.

Дастлабки тергов органи томонидан М.Мирсултанновнинг тақиқланган экинларни, яъни наша ўсимлиги, таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ва етиштиришда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорнинг 5-бандида «Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак», деб қайд этилган.

Шунингдек, мазкур Пленум қарорининг 15-бандида, судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилган; 37-бандида «ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)» деб қайд этилган.

Юқоридаги Пленум Қарорининг раҳбарий қоидаларига амал қилиб, судланувчи М.Мирсултанновга жазо тайинлашда суд унинг айбига тўлиқ иқрорлигини ва пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, маҳалладан ижобий тавсифланишини, қарамоғида оиласи ва икки нафар вояга етмаган фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб ҳисоблаб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг шахсини, гиёҳвандлик воситасининг миқдорини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта

тарбиялаш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан моддий ахволини инобатга олган ҳолда ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, санкциясида назарда тутилган энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазосини тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд Тошкент шаҳар наркология диспансерининг далолатномаларига кўра, судланувчи гиёҳвандликдан даволанишга муҳтож эмаслигини ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллаш учун асослар йўқлигини инобатга олади.

Шунингдек, суд иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Моддий-техника таъминоти бошқармасида 29.08.2019 йилдаги 0016709-сонли қвитанция асосида сақланаётган беш туп наша ўсимлиги, шунингдек жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман суди ашёвий далиллар хонасида сақланаётган елим идиш билан баклашкани йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

М.Мирсултанновга Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаларини қўллаган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баравари миқдорида – 2.230.000 (икки миллион икки юз ўттиз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

М.Мирсултанновга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ Моддий-техника таъминоти бошқармасида 29.08.2019 йилдаги 0016709-сонли қвитанция асосида сақланаётган беш туп наша ўсимлиги, шунингдек жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман суди ашёвий далиллар хонасида сақланаётган елим идиш билан баклашка белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нухасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида ушбу суд орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик этувчи:

/имзо/

К.Мирсафаев

Аслига тўғри: